



MILLIY TIKLANISH

52 (113) 2010 йил 29 декабрь, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган
www.milliytiklanish.uz

Янги тушунча, кўникма ва маълумотларга эга бўлдик

Партия сафида фаолият юритаётган кадрларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маърифий ҳамда иқтисодий билимларини ошириш ва унга фаол ёшларни жалб қилиш бугуннинг талабидир. Мазкур ўқув-семинарнинг ташкил этилиши айни муддао бўлди, дейиш мумкин.



Партия нашрлари

Семинар-тренингда партиялар фаолиятини ёритишда жанр ва мавзу хилма-хиллиги, партиявийлик принципига амал қилиш, босма маҳсулотнинг дизайни, партия веб ресурсларини бойитиш ва тезкорлигини таъминлаш борасида мутахассис ҳамда экспертлар томонидан таклиф-тавсия, танқидий ва таҳлилий фикрлар билдирилди.



Спорт ҳаётидан ҳеч ким четда қолмаслиги керак

Яқунига етаётган 2010 йил – Баркамол авлод йили барча соҳалар қатори мамлакатимиз спорти учун ҳам яна бир поғона юксалиш, янги марраларни забт этиш йили бўлди.



3 ПАРТИЯ ПЛЕНУМИ

3 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

8 КЎЗГУ

АНЖУМАН

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

ЎЗМТДПНИНГ БАРЧА ДАРАЖАДАГИ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАРИ ЗИММАСИГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ



Пленумда ушбу масала юзасидан маъруза қилган ЎЗМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов, давлатимиз раҳбари маърузаси жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ислоҳ этиш йўлида янги уфқларни очиб бериши билан бирга, тараққиётимизнинг янги истиқболларини белгиловчи том маънодаги тарихий аҳамиятга молик воқеа сифатида ҳаётимиздан ўрин олди, деди. Бугун биз ана шу тарихий ҳужжатда илгари сурилган гоё ва мақсадларни яна бир бор қайта идрок этиб, ўзаро фикр алмашиб ва давлатимиз раҳбари маърузасидан келиб чиқиб партиямиз олдида турган вазифаларни белгилаб олишимиз лозим.

Президентимиз маърузасида мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамиз ҳолисона баҳоланиб, қўлга киритган юксак марраларимизни ҳар томонлама таҳлил этган ҳолда, мамлакатимизни тадрижий ва босқичма босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканига ва бундан буён ҳам шу йўлдан оғишмай, қатъият билан боришимиз зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.



Илгари сурилган мазкур Концепция чуқур таҳлилларга бойлиги, кенг қамровлиги, юртимизда кечаётган жараёнларга бутунлай янгича қараш билан ёндашилгани, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш борасида илғор ғояларнинг ўртага ташлангани билан ниҳоятда долзарб аҳамиятга эгадир.

2-бет



ТАШРИФ

Янги йил арафасида болажонларни қандай совғалар кутаётганини билиш мақсадида Республика кўғирчоқ театрига йўл олдик. Театргача пиёда борарканмиз, қаршимизда эртақнамо қаср пайдо бўлди. Унинг кунгурадор миноралари оппоқ бўлиб, ёғочдан ишланган нақшинкор ганж, рангли керамика, мис, ойна ва мрамар фавворалари унга ўзгача шуқуҳ бағишлаб турарди.

КЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

БОЛАЛАРНИ ЎЗ БАҒРИГА ЧОРЛАЙДИ



Ичқарига кирдик. Театр фойеси худди эртақлардагидек рангли майолика услубида безалган. Кираверишда бизни кутиб олган театр раҳбари Равшан Исмоилов ўз хонасига таклиф қилди. Буни қарангки, биз эндигина бадий кенгаш муҳокамасига қўйилган "Семурғ" спектакли устидан чиқиб қолибмиз.

5-бет

ИФТИХОР

СПОРТ ҲАЁТИДАН ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "Баркамол авлод йили"да юртимизда бошқа соҳалар қатори жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ўзининг ижобий самарасини бераётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.



8-бет


МТ

БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ПЛЕНУМИ	2-бет
ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ	
ПАРТИЯ ПЛЕНУМИ	3-бет
СЎЗ — ПЛЕНУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА	
ПАРТИЯ ҲАЁТИ	4-бет
ЯНГИ ТУШУНЧА, КЎНИКМА ВА МАЪЛУМОТЛАРГА ЭГА БЎЛДИК	
ПАРТИЯ НАШРЛАРИ	
МАЪНАВИЯТ	5-бет
ГУЛИСТОНЛИК ЗАРДЎЗЛАР	
ОЗОД ВАТАНИМИЗГА ГЎЗАЛ БОҒЛАР ЯРАШАДИ	
ЖАРАЁН	6-бет
НОМАРКАЗЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ	
ХАВАС ҚИЛСА АРСИЙДИ	
ХАЛҚАРО ҲАЁТ	7-бет
ДУНЁДАГИ ЭНГ ҒАРОЙИБ БОҒЛАР	
ДУНЁДАН ДАРАКЛАР	
КЎЗГУ	8-бет
СПОРТ ҲАЁТИДАН ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК	

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



ПАРТИЯ

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ

ЎЗМТДПНИНГ БАРЧА ДАРАЖАДАГИ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАРИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун бутун дунёда Ўзбекистон танлаган ва амалга ошираётган ислохотлар сиёсати «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилиб, унинг нақадар тўғри эканлиги тан олинмоқда, деди нотиқ.

Концепцияда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот бундай улкан масъулиятли вазифаларни ўз зиммасига олишга тайёр бўлишимиз лозим. Шу ўринда айтиш жоизки, айрим ҳолларда баъ-

танализ ва ҳалқимиз манфаатларига, шунингдек, миллий тикланиш мафқурасига хизмат қилишини ҳисобга олсак, шундан келиб чиқиб партияимиз ўзининг дастурий мақсадларини давр талаблари асосида янада кучайтириши, замонавий иш услубларини шакллантириши зарур. Умуман, партияларга берилаётган ваколат, имконият ва юксак маком барчамиздан янгича дунёқарашни талаб қилмоқда, деб таъкидлади партия раҳбари.

Зеро, барчамиз Ватанимиз тақдир ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли вазифаларни ўз зиммасига олишга тайёр бўлишимиз лозим. Шу ўринда айтиш жоизки, айрим ҳолларда баъ-



Муҳтарам Президентимиз қўшма мажлисдаги маърузасида парламентни янада ривожлантириш ва мустақамлаш, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш борасидаги қимматли фикр-мулоҳазаларини баён этиб, давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда юқорида белгилаб берилган йўналишлар, бир қатор қонунчилик ташаббуслари буйича ҳам ғояларни илгари сурдилар.

Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўлида белгилаб берилган чоралар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида мутлақо янги давр бошланаётганидан далолатдир. Ўрни, Конституцияимизнинг 89-моддасида назарда тутилган «Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди» деган нормадан келиб чиқиб, Конституцияимизнинг 78-, 93-, 96-, 98-моддаларига тегишли ўзгаришлар киритиш таклифи этилмоқда.

Мазкур янгиликлар шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритиладиган ўзгаришларга асосан Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги ҳуқуқий тартиб ўрнатилди. Ўрни, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши белгилаб қўйлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилиши кўзда тутилмоқда. Бу эса ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлади.

Юқоридаги бундай ваколатни қўллаш учун энг аввало, фаолиятимизни янада такомиллаштириш, сиёсий партия сифатида жамият ҳаётидан мустақам ўрин эгаллаш, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан дунёқараш ва билим доираси кенг, масъулиятни ўз бўйига ола билладиган етук кадрлар потенциалини вужудга келтириш, партия мафқураси ва ғоясига янгича ёндашувларни шакллантиришга қаратилган ишларни амалга оширишимиз зарур. Давлатимиз раҳбари илгари сурган вазифа ва ғоялар Ва-

лармон инсонларни кадрлаш бора-сидаги аънаналари миллий кадрятларимиздан бирига айланган десак, муболага эмас.

Маърузада айтилганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиги айнан шу соҳада фаолият кўрсатмоқда. Президентимиз шу муносабат билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» буйича қабул қилинадиган Давлат дастурида алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган устувор йўналишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Унда, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожини янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатлари қабул қилиш масаласи диққат марказда бўлиши даркорлиги таъкидланди.

Маълумки, партияимизнинг сайлов-олди платформасида хунармандлар, касаначилар, ҳалқ усталари ва умуман маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга қўмаклашиш сингари дас-



турий мақсадлар кўзда тутилган. Шу маънода, келаётган йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши партияимиз зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Шундай экан, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш ишларида ҳаммамиз, айниқса, фракцияимиз аъзолари, маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз ва партияимиз фаоллари ўз таклифлари билан фаол иштирок этишлари керак. Бу борада қабул қилинадиган қонунларда албатта партияимиз позицияси ва электоратимиз манфаатларини ифодалашга эришиш асосий вазифамиздир. Мазкур соҳаларга тўсиқ бўлаётган иллатларга барҳам бериш, миллий хунармандлар, касаначилар, оилавий тадбиркорларнинг фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилувчи қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш, мавжуд қонун-бузарлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган ишларимизни ҳам жонлантиришимизни даврининг ўзи тақозо этмоқда. Бу йўлда парламент ва жамоатчилик назорати усуллари-дан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, илг-ор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ишларига ҳам маълум маънода ўз ҳиссамизни қўйишимиз мақсадга мувофиқдир. Зеро, илм-фан намоёндалари умуман, зиёлилар қатлами партияимиз электорати эканлигини ҳисобга олсак, уларнинг ҳам кичик бизнес соҳасида фаолиятларини йўлга қўйишга қўмаклашишимиз зарур.

Муҳтарам Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги ҳамда Конституцияимиз қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар қўламини кенг. Ана шу вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлади, деди партия раҳбари.

Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва фракцияси Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб тайёрланган

Ҳаракат дастурини яна бир бор кўриб чиқиб, тўлдириб, уни такомиллаштириши зарур.

Мазкур Дастур асосида ҳар бир минтақавий партия ташкилотлари ўз Ҳаракат дастурларини тайёрлаб, уни пленумларда муҳокама қилиб, қабул қилишлари шарт.

Партия фракцияси ва Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси, минтақавий партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепциянинг асосий йўналишлари, ғоя ва мақсадларини кенг жамоатчиликка тушунтириш юзасидан махсус тарғибот гуруҳларини ташкил қилишлари керак.

Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси Концепция юзасидан бошлаган ўқув-семинарларни янада кучайтириб, унинг аудиторияси ва географиясини янада кенгайтириш чора-тадбирларини кўриши лозим. Барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари тарғибот гуруҳлари билан ҳамкорликда Концепция аҳамиятига қаратилган кенг қамровли тадбирларни мунтазам ва юқори савияда ўтказишни таъминлашлари керак.

Концепцияда илгари сурилган қонун лойиҳаларига ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» муносабати билан партияимиз электорати манфаатларидан келиб чиқиб таклифлар тайёрлаш учун жойлардаги барча партия ташкилотлари партияимиз ижтимоий қатламини қандай масалалар ўйлантираётганини аниқлаб, таҳлилий материал сифатида Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девонига тақдим этиши лозим.

Партияимиз салоҳиятини ва кадрлар потенциалини кучайтириш мақсадида кадрлар захираси мониторингини амалга ошириб, уни инти-



лувчан, етакчилик хусусиятларга эга, билим доираси кенг, ташаббускор ёшлар ҳисобига доимий равишда тўлдириб бориш, уларни мунтазам равишда аттестация қилиш ҳамда малакасини ошириб бориш зарур.

«Миллий тикланиш» газетаси таҳририяти Концепцияда белгиланган вазифалар моҳиятини очиб берувчи ва партиянинг янги шароитдаги вазифаларига бағишланган таҳлилий материалларни чоп этишни кучайтириши, бунда, фракция ва Марказий Кенгаш аъзолари, соҳа мутахассислари, олимларни жалб қилиши зарур.

Зиммамиздаги яна бир масъулиятли вазифалардан бири – бу фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги ва уларнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшишдан иборат. Бу ўринда кенг омма орасига нафақат партия ғоя ва мақсадларини, шу билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар моҳияти, қабул қилинаётган қонун ва фармонлар аҳамияти, юртимиздаги демократик ўзгаришлар жараёни, сайлов қонунчилигимизнинг ўзига хос хусусиятлари, сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда сиёсий тизимдаги ўрни ва ваколатлари ҳамда давлат ва жамият ҳаётига дахлдор муҳим воқеа ва ўзгаришлар тарғибот-ташвиқотимиз асоси бўлиши керак. Одамлар онгига Ватан тараққиёти ва истиқболга дахлдорлик туйғусини янада кучай-



Энг муҳими, партиянинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий масалалар юзасидан муқобил дастур ва лойиҳаларини тайёрловчи, партия фаолиятини изчил мониторинг қилиб бориб, партия ҳаётининг истиқболга мўлжалланган стратегияси юзасидан таклифлар тайёрловчи, партиянинг сайлов технологияларини ишлаб чиқувчи доимий асосда ишловчи гуруҳларини ташкил қилиш вақти келди.

лари амалий фаолиятимизнинг асосига айланиши лозим, деб таъкидлашди пленумда сўзга чиққан партиядошларимиз.

Сиёсий партия сифатида бугун давр олдимизга қўяётган янги вазифалар нуқтаи назаридан бутун фаолиятимизни тубдан қайта қуриб, етук сиёсий куч сифатида жамиятимизда мустақам ўрнимизга эга бўлишимиз керак. Бу учун партиянинг ҳам ғоя-мафқурасини, ҳам кадрлар сифатини янгича қарашлар билан шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Партия қурилишини замонавий рельсга кўчириш, фаолиятимизни, ишимизни ташкил қилишни янада самарали усулларини топиш зарурати ҳам сезилмоқда. Келгуси йил партия туман ва шаҳар кенгашлари ишини кескин кучайтириш, ушбу ташкилотларимизни ҳар томонлама мустақамлаш йили бўлади, деган таклиф илгари сурилди.

Энг муҳими, партиянинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий масалалар юзасидан муқобил дастур ва лойиҳаларини тайёрловчи, партия фаолиятини изчил мониторинг қилиб бориб, партия ҳаётининг истиқболга мўлжалланган стратегияси юзасидан таклифлар тайёрловчи, партиянинг сайлов технологияларини ишлаб чиқувчи гуруҳлар фаолиятининг самарадорлигини оширишимиз зарур. Биз замон билан ҳамнафас бўлсак, у билан бирга қадам ташласакки – сиёсий куч сифатида ўз мавқеамизни, жамиятдаги ўрнимизни сақлаб қола оламиз.

Пленумда Президентимиз Ислам Каримов маърузаларидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш буйича ЎЗМТДП Ҳаракат дастури тўғрисидаги масала юзасидан ЎЗМТДП МК Ижроия Қўмитаси раисини ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев ахборот берди. Партиянинг Ҳаракат дастури кенг қамровли бўлиб, унда партия ташкилотлари, партиянинг Олий Мажлис қуйи палатасидаги фракцияси ва депутатлик гуруҳлари олдига аниқ вазифалар қўйилган, деди нотиқ. Ушбу ҳужжатдан келиб чиқиб, ҳар бир минтақавий партия кенгашлари ўзларининг Ҳаракат дастурларини ишлаб чиқишлари лозимлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Кун тартибдаги масалалар кенг муҳокама қилиниб, музокараларда сўзга чиққан партиядошларимиз қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдиришди.



ПЛЕНУМИ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

ЗИММАСИГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Абдил ТҶУХТАШЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:



Мажлисида, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш демократик янгиликлар жараёнининг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишлардан биридир. Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ демократлаштириш ва либераллаштириш юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги ҳал қилувчи вазифадир. Шу босқич асосидаги демократик дастлабки йиллариданоқ суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларига давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратиб келинмоқда. Судларнинг амалдаги мустақиллигини таъминлаш, уларни инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимояловчи органга айлантириш, суд ҳокимиятини босқичма босқич мустақамлаб боришга қаратилган ҳуқуқий асосларнинг шакллантирилганлиги суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини бериши. Ана шу мақсадларга йўналтирилган бир қатор муҳим қонун ҳужжатларининг қабул қилингани ва амалиётга жорий этилгани мамлакатимизда инсон ва унинг ҳуқуқлари олий қадрат эканининг ҳаётий исботидир.

Жиноий ҳазорларнинг йил сайин либераллаштириб бораётгани, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судларга ўтказилгани, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилингани, ярашув институти йўлга қўйилиши ва бошқа бир қатор омиллар мустақиллик йилларида қўлга киритилган энг улкан муваффақиятларимиздандир. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида таъкидлаганидек, мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлди. Нуфузли хорижий экспертларнинг таъкидлашларига қўра, ушбу чора ва бу соҳада юқорида кўрсатилган бошқа бир қатор ишларнинг амалга оширилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бири шакллантирилди.

Халқаро экспертларнинг бу борадаги қийсий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, умрбод озод-

ликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польшада 5 та, Бельгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та жиноят тури бўйича тайинлангани мумкин.

Ўзбекистонда эса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш фақуллода жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирish ва терроризм учун тайинланади. Ушбу жазо тури бизда хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Юртбошимиз, ўз чиқишларида шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги тахрирда қабул қилиш зарурлигини ҳам таъкидладилар. Бунда аввалдан жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни, айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур. Кодекснинг янги тахрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бириктириш таъминлайди.

Бу борадаги ижобий ишларни келгусида ҳам исчиладан эътириш мақсадида Президентимиз ўз маърузасида соҳага оид бир қатор қонунларга ўзгаришлар киритиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш ва такомиллаштириш йўлида янги қонунларни ишлаб чиқиш зарурлигини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтди. Айниқса, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор моддаларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш, адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатидиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш юзасидан билдирилган мулоҳазалар долзарб аҳамиятга эга эканлиги билан бирга, юртимизда инсонпарварлик ва адолат тамойилларини мустақамлаш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Суд-ҳуқуқ соҳасида илгари сурилган юқоридаги тақлиф ва ташаббусларни амалий ижросини таъминлашда партияимиз ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз аъзолари алоҳида фаоллик кўрсатишлари лозим. Чунки, партияимизнинг сайловли Платформасида бу борада бир қатор вазифаларни ўз зиммасига олганмиз. Яъни, ярашув институти янада кучайтириш ва уни қўллаиш доирасини кенгайтириш, суд-ҳуқуқ тизими ва қонунчиликка миллий аънава ва қадриятларни олиб кириш ҳамда соҳада инсонпарварлик тамойилларини кучайтиришни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу вазифаларни амалга оширишга фракцияимизнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Акмал САИДОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:



Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш биз ўз олдимизга қўйган стратегик мақсадлардан биридир. Шунинг учун ҳам, кейинги йилларда аҳолининг кенг қатламларини қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтларини жадал суръатларда шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилинмоқда. Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустақамлаб

қўйилгани натижасида ҳозирги пайтда мамлакатимиз миқёсида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробарга кўпайганини таъкидлаш жоиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, фуқаролик жамияти институтлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Президентимиз илгари сурган инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш юзасида бу борада янгилик бўлди, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Бу соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири эканига яққол мисолдир.

Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш мақсадида Концепцияда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, соҳага дахлдор бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлифи билдирилган юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида бarchа фуқаролик жамияти институти ролини янада кучайтириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Мазкур қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда фракцияимиз аъзолари фаол иштирок этишлари зарур. Чунки, фуқаролик жамияти институтларининг аксарияти ўз фаолиятини халқимизга хос бўлган қадрият ва аънавалар руҳида олиб боришда. Уларнинг амалдаги тажрибаси ва тақлиф қилинаётган қонунлар лойиҳаларида ҳам, албатта, миллатимиз менталитетига хос хусусиятлар акс этиши лозим.

Эркин ЮСУПОВ, ЎзМТДП МК ва фракцияси аъзоси:



Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштириш янада чу-

қурлаштириш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарасини таъминлашда асосий омил ҳисобланади. Юртимизда тадбиркор ва ишбилармонларнинг эркин фаолият юритишлари учун яратиб берилаётган қонуний имконият ва имтиёзлар, қўлай инвестициявий муҳит тўғрисида жўзон молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш ва бarchа соҳаларда иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланади.

Юртбошимиз ўз маърузасида бу соҳадаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишни аниқ ва равшан йўللари кўрсатиб ўтди. Хусусан, ҳолисона таҳлил, ислохотларимизнинг манфиқи ва исчилиги, уларнинг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш, иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш ва ли-

бераллаштиришга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан қатор тақлифлар билдирилди. Жўмладан, партияимиз дастурий мақсадларига ҳамоҳан бўлган кичик ва оилавий бизнесни янада ривожлантириш, соҳанинг қонунчилик базасини такомиллаштириш, шунингдек, иқтисодиёт соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган мулк дахлсизлигини таъминлаш, соғлом рақобат муҳитини юзага келтириш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва бу борада алоҳида қонун ишлаб чиқиш лозимлиги бугунги кун талаби эканлиги қайд этилди. Хулоса қилиб айтганда, тараққиётимизнинг янги марраларини белгилаб берган ушбу улғувор Концепция жуда чуқур, кенг қамровли ислохотлар ҳамда миллий давлатчиликимизнинг янада мустақамлашишига янги ва кенг йўл очади.

Шўҳрат ДЕҲҚОНОВ, ЎзМТДП МК ва фракцияси аъзоси:

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Дарҳақиқат, сўнги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш, медиа-мақомага илгор ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган ўнла яқин қонун ва қўллаб қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Жорий йилнинг 12 ноябридаги қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам Президентимиз мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишларни эътироф этиш баробарида, соҳага оид бир қатор қонунчилик ташаббусини илгари сурдилар. Жўмладан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш лозимлиги тақлиф этилди. Мазкур Қонуннинг амалиётга жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очик ва ошқоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма хиллиги ва сиёсий плюрализмнинг ҳисобга олган ҳолда таъминлаши зарурлиги қайд этилди.

Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустақамлаш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий қафолатлари ва механизмларини жорий қилиш мақсадида «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари

тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қафолатлари тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш зарурлиги айтиб ўтилди. Бу қонунлар ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яра-

хусусан, давлат ва жамоат бирлашмалари, ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаолаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни белгилаш зарурлиги айтиб ўтилди.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда ва дунёда кечаётган жараёнлар, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар оммавий ахборот воситалари ишида ҳам янги йўналишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига туртки бўлиши табиий ҳол. Бу, ўз навбатида, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи янги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, амалдаги қонун ҳужжатларига эса ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, уларни такомиллаштириш талаб қилади. Шу маънода, мамлакатимиз раҳбари томонидан ўртага ташланган қонунчилик ташаббуслари кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда ОАВнинг ўрни ва ролини юксалтириш, юртимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, воқеа ва ҳодисаларни фикрлар хилма хиллигини инобатга олган ҳолда акс эттириш, бунда қонунларда белгиланган ҳуқуқлар билан бирга, журналистларнинг масъулиятини ҳам ошириш борасида муҳим ўринга эга.

Шу ўринда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам партияимиз электорати таркибига киришини назарда тутсақ, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси депутатлари янги қабул қилинаётган ва амалдаги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда миллий ахборот маконини ривожлантириш ва муҳофаза қилиш, миллий ахборот ресурслари ва миллий ахборот тизимини ривожлантириш мақсадларини кўзда тутиш ҳамда ташаббускорликни қўлга олишлари лозим бўлади.

Олимжон АКИЛОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:



Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасида ўзига хос тажриба тулганларини бугун бугун жўзон ҳамжамияти тан олмақда. Фуқароларнинг эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширувчи демократик андозларга мос қатор қонунлар қабул қилиниши, натижада халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлашнинг мустақам ҳуқуқий қафолатлари яратилди.

Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этади. Сайловлар - бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намўён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир.

Шу муносабат билан ўтган давр мубайнида юртимизда самарали демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида гоят чуқур ўзгаришлар амалга оширилганини таъкидлаш ўринлидир.

Буларнинг бarchаси миллий сайлов тизими-

нинг исчиладан босқичма-босқич либераллашувини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда бarchа даражадаги вакиллик органларига сайловларнинг қонун талаблари ва умумэтироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базасининг шаклланишига олиб келди.

Ушбу қонунларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди. Мамлакат Президенти лавозимига, Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашиларига депутатликка номзодларни фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципал қонун мустақамланди. Депутатликка номзодларнинг давлат ҳокимияти ижро органлари томонидан кўрсатилиши амалиётни бекор қилинди ва бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлидаги принципал қадам бўлди.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Концепцияга мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашиларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга демократик аънаваларни жорий этишчи яна янги ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилаётгани эса, мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қилади.

Барчамизга маълумки, сиёсий партияларга берилаётган ваколатлар тобора ошириб бориламоқда. Шундай экан, келгуси сайловларда партияимизнинг муносиб иштирокини таъминлаш учун амалий саъй-ҳаракатларни жонлантиришимиз талаб этилади. Бунинг учун, энг аввало, партияимиз сафларини юксак салоҳиятли, интеллектуал даражаси юқори, эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган фидойи инсонлар ҳисобига кенгайтиришимиз лозим. Шу билан бир қаторда, келгуси сайловлар учун ҳозирданок муносиб номзодларни саралаб боришимиз керак. Бу ўринда ўтган сайловлардаги хато ва камчиликларимизни яна бир бор чуқур таҳлил этиб, келажакда ана шундай нуқсонларга йўл қўймайлик чора-тадбирларини кўришимиз зарур.

Набижон СОБИРОВ, ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:



Президентимиз Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»га бағишлан-

ган маърузаси нафақат сиёсий партиялар, давлат муассасалари, балки оддий аҳолининг сиёсий ва фуқаролик позицияларини белгилаб беришга ҳам хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Қолаверса, Концепция сиёсий партиялар олдида ҳам бир қатор долзарб вазифаларни қўйди. Бу, айниқса, аҳоли билан нисбатан яқин алоқада бўладиган маҳаллий кенгашлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши мазкур Концепциядан келиб чиққан ҳолда, ўз фаолияти ва электротар манфаатлари билан боғлиқ режаларини қайтадан кўриб чиқади.

Комилжон ОТАХОНОВ, ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг навбатдан ташқари кенгайтирилган Пленуми Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси-

даги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланди. Таъкидлаш лозимки, Концепциянинг «Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётини либераллаштириш янада чуқурлаштириш»га оид қисмида белгиланган вазифалар вилоят кенгаши зиммасига ҳам юксак масъулият юклайди.

Концепцияда таъкидланганидек, азалий урф-одатларимиз ва миллий аънаваларимизга тўла мос келадиган оилавий бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси ва ҳуқуқий қафолатларининг янада такомиллаштирилиши иқтисодиётимизнинг жадал ривожланиши ва янги иш ўринлари очилишига ҳам шароит, ҳам имконият яратади.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎҚУВ-СЕМИНАР

ЯНГИ ТУШУНЧА, КЎНИКМА ВА МАЪЛУМОТЛАРГА ЭГА БЎЛДИК

БУ БИЗНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИМИЗ ЖАРАЁНИДА АСҚОТИШИ ШУБҲАСИЗ, ДЕЙДИ ЎҚУВ-СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузаси юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнига муносиб баҳо бериш билан биргаликда сиёсий партиялар зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклатди.



да "Ўзбекистон давлат бошқарувини демократлаштиришни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилмоқда. Унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ҳамда туман кенгашлари раҳбарлари иштирок этмоқда. Семинарда тингловчиларга Президентимиз Ислам Каримовнинг Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузаси, "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарининг раҳбар фаолиятидаги ўрни, Давлатимиз раҳбарининг БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида илгари сурилган жамиятимиз ривожининг кафолатлари ҳамда Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг

18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир" номли маърузаларида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган сиёсий партиялар олдидаги вазифалар, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "Жаҳон молиявий инқирози: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари" асарининг мазмун-моҳияти ҳақида кенг тушунчалар берилди. Шунингдек, ўқув давомида раҳбар кадрга ниҳоятда зарур бўлган музокара юритиш техникаси, нутқ тайёрлаш ва ижро этиш маҳорати, мулоқот технологиялари, вақтни бошқариш иқтидори ва усуллари, бошқарув тизимида иш юритишнинг ўзига хос хусусият ва сир-асдорларини эгаллашга доир бир қатор маърузалар тингланди. Биз ўқув жараёнида тингловчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва таассуротлари билан қизиқдик.

Аловуддин УМАРОВ, ЎзМТДП Самарқанд вилояти кенгаши Ижроия кўмитаси девон раҳбари:



– Мухтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган маърузаси келгуси иш фаолиятимиз учун муҳим дасим туриламал бўлмоқда. Юртбошимиз тақдим этган Концепцияда маҳаллий кенгашлар зиммасига ҳам катта масъулият юклатилди. Ана шундай долзарб вазифаларни бажаришда ўқув-семинарда олган билим ва кўникмаларимиз ҳар жиҳатдан асқотиши шубҳасиз. Ўқув-семинар давомида Концепциядан келиб чиққан ҳолда вилоят кенгаши иш фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган дастур тузишни мақсад қилиб кўйдим.

Сайёра ҚОСИМОВА, ЎзМТДП Деҳқонобод тумани кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:



– Мазкур ўқув-семинарда Президентимиз Ислам Каримовнинг Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир" номли маърузасида белгиланган вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, Давлатимиз раҳбари тақлифига биноан 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинди. Бу кичик бизнес вақиллари бўлган касаначилар, халқ усталари ва хунармандлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўз дастурий мақсади сифатида белгиланган партиямиз ва унинг маҳаллий кенгашлари учун бозорларимизни рақобатбардор ва сифатли маҳаллий маҳсулотлар билан тўндириш, аҳоли, айниқса, ёшларимизни иш билан таъминлашга кўмаклашишида катта имконият яратлади. Мазкур ўқув-се-

минар жараёнида жуда кўп фойдали тушунча ва маълумотларга эга бўлдик.

Даврон ОРИПОВ, ЎзМТДП Бойсун тумани кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:



– Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни кечаётган ҳозирги даврда сиёсий партиялар зиммасига улкан масъулият юклатилди. Бу Юртбошимизнинг Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам алоҳида эътироф этилди. Партия сафида фаолият юритаётган кадрларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маърифий ҳамда иқтисодий билимларини ошириш ва унга фаол ёшларни жалб қилиш бугуннинг талабидир. Мазкур ўқув-семинарнинг ташкил этилиши айни муддао бўлди, дейиш мумкин.

Жамила РАЖАБОВА, ЎзМТДП Хива тумани кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:



– Ўқув-семинар жараёнида фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот олиб боришда бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда музокара юритиш техникаси, мулоқот технологияси ва усулларида фойдаланиш сирларини ўргандик, шунингдек, жойларда ўтказилган амалий машғулотлар давомида Тошкент шаҳридаги намунавий партия ташкилотлари фаолияти билан танишдик. Бу эса айниқса, маҳаллий кенгашлар учун ўзаро тажриба алмашиш имкониятини бермоқда. Ўқув-семинардан олган билимларимизни ўз фаолиятимизда қўласак аҳоли ичига янада чуқурроқ кириб боришимиз шубҳасиз.

Қамолддин ХОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

ТАДБИР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида сиёсий партиялар нашрлари фаолиятини янада ривожлантиришга бағишланган навбатдаги семинар-тренинг ўтказилди. Унда депутатлар, сиёсий партия нашрларида фаолият юритаётган журналистлар, партиялар матбуот хизматлари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ахборот хизматлари ходимлари иштирок этди.

Семинар-тренингда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган тўртта сиёсий партия нашрларида маълум бир электрот манфаатларини ифода этувчи туркум материаллар бериб борилаётган. Шунингдек, партия нашрларида ўзаро баҳс-мунозара, депутатлар чиқиши, ўз-ўзини танқид руҳидаги материаллар, мулоҳазали мақолалар сезиларли даражада ортган. Мазкур жараён партия матбуоти таъсирчанлигини оширади.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ОАВнинг аҳамияти ортиб бораётган бугунги кунда журналистлар ихтисослашувини янада кучайтириш, кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш масалалари тўғрисида фикр билдиришди. Семинарда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети доценти

ПАРТИЯ НАШРЛАРИ

ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ



Бойбўта Дўстқороев "Миллий тикланиш" газетасини таҳлил қилар экан, унда кўтарилган мавзулар, жанрлар хилма-хиллиги, дизайн ва ўзига хос таҳрибалар хусусида ижобий фикр-мулоҳазаларини баён этди. Шунингдек, нотик миллий журналистикамизга кириб келган парламент ва

партия журналистикаси сингари йўналишларни тўлақонли шакллантириш, партия нашрларида фаолият олиб борадиган журналистларни тайёрлаш ва уларни шу соҳага талабалик даврдан бошлаб ихтисослаштириш бўйича ўз тақлифларини билдирди.

– Сўнгги йилларда миллий журналистикамизга парламент журналистикаси жанри кириб келди ва ривожланмоқда, – деди Б.Дўстқороев. – Бу эса соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш зарурлигини талаб этади. Чунки бугун айнан ихтисослашган, ўз соҳасини чуқур биладиган кадр-

ларга кучли эҳтиёж сезилмоқда. Бу борада журналистика факультетида партия нашрлари бўйича махсус фанларни дарсларга киритиш ва ўқув-қўлланмалар яратишга қаратилган ишлар бошлаб юборилганлиги қувонарли ҳолдир.

Маълумки ҳар қандай матбуот органининг рейтингини таъсир самарадорлигини таъминлашнинг ўзига хос йўллари мавжуд. Миллий журналистикамизда нисбатан янги бўлган сиёсий партиялар матбуотида ҳам янги тенденцияларни кузатиш мумкин. Шунга қарамай партия нашрлари олдида ўқувчилар аудиториясини янада кенгайтиришдек яна бир муҳим вазифа мавжуд.

– Бугун сиёсий партиялар олдида қўйилаётган талаб ва масъулият тораб ортиб бораётган бир пайтда, уларнинг нашрлари савиясини ошириш ва ўқувчилар аудиториясини кенгайтириш масаласи ҳам муҳим вазифа сифатида намоён бўлмоқда, – деди "Миллий тикланиш" газетаси бош муҳаррири Жалолддин Сафоев. – Чунки сиёсий нашрларни фақат партия аъзолари эмас, жамиятнинг турли қатламлари ҳам ўқиши мумкин. Шундай экан сиёсий партия газеталарида уларнинг ҳам манфаатлари акс этиши керак. Бу эса ўша партия гоя ва мақсадларининг омма орасига янада чуқур кириб боришига кенг йўл очади. Шунингдек, семинар-тренингда партиялар фаолиятини ёритишда жанр ва мавзухилма-хиллиги, партиявийлик принциплари амал қилиш, босма махсулотнинг дизайни, партия веб ресурсларини бойитиш ва тезкорлигини таъминлаш борасида мутахассис ҳамда экспертлар томонидан тақлиф-тавсия, танқидий ва таҳлилий фикрлар билдирилди.

Иштирокчиларга партия матбуотини ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган қўлланма тақдим этилди.

К.САЙДУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

ХРОНИКА

Биринчи марта ўтказилди

ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва Юнусобод туман кенгаши ташаббуси билан Паролимпия Миллий Ассоциацияси, Ўзбекистон Футбол федерацияси терма жамоалар маркази, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, "Қамолот" ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Яқкасарой туман ҳокимлиги ҳамкорлигида "Чилонзор" спорт мажмуасида кўзи оғизлар ўртасида (В-1 тоифали) мини футбол бўйича республика биринчилиги ўтказилди. Мамлакатимизда биринчи марта ўтказилаётган мазкур мусобақа кескин ва мurosасиз тарзда бошланди. Дастлаб, гуруҳ баҳсларида 6 та ўйин ўтказилди. Шундан сўнг жамоалар асосан совриндор ўринлар учун ўзаро беллашди. Яқунда Наманган вилояти жамоаси 3-ўрин, Андижон вилояти жамоаси 2-ўринни эгаллади. ЎзМТДП Юнусобод туман кенгашининг "Феникс" жамоаси эса мусобақа голиблигини қўлга киритди.

Фолибларни тақдирлаш маросимида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бош директори, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Рустам Қосимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, Ўзбекистон Футбол федерацияси терма жамоалар маркази раҳбари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Аскар Тolibонов, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси шарҳловчиси Мирзаҳаким Тўхтамураев, Паролимпия Миллий Ассоциацияси Тошкент шаҳар бўлими директори Юнус Аминжонов иштирок этди.

Иштирокчилар тадбир ташаббускори бўлган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг имконияти чекланганларга доимий кўмак бериш, халқимиз урф-одат ва аъёналарига хос қадриятларимизни тиклаш ва асраб-авайлаш каби ишларида муваффақият тилади. Мусобақа якунида биз неча бор жаҳон чемпиони, Ўзбекистон Миллий Паролимпия Ассоциациясининг Ампутантлар жамоаси мастер класс машғулотларини ўтказди.

Миллий санъат

ёшлар эътиборида

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши ҳамда Нурота туман кенгаши "Ёшлар қаноти" ҳамкорлигида "Барқамол авлод йили" муносабати билан "Миллатимиз санъати ёшлар эътиборида" мавзусида тадбир ўтказилди. Йилги "Хунарманд" уюшмаси туман бўлими томонидан ташкил этилган халқ амалий санъати ва Нурота каштачилиги кўргазмаси намойиши билан бошланди. Меҳмонлар ва тадбир иштирокчилари кўргазмадан катта таассурот олдилар. Тадбирда ЎзМТДП аъзоси, Нурота туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Файзиёва "Барқамол авлод йили"да туманда амалга оширилган ишлар ҳамда ЎзМТДП туман кенгашининг ёш авлодни Ватанга садоқат, бой тарихий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ижобий ишлари ҳақида тўхталди. Шунингдек, тадбирда ёшлар томонидан халқ кўшиқлари, ўлан ва фольклор-этнографик куй-қўшиқлар ҳам ижро этилди.

Огоҳлик –

давр талаби

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан "Огоҳлик – давр талаби" мавзусида семинар ўтказилди. Унда ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши аъзолари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгаши депутатлари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаоллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди. Семинарда ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Т.Дўстқобилов сўзга чиқиб, ёшлар онига миллий истиқлол гоясини сингдириш, уларда жамиятимиз тараққиётига тўсқинлик қилаётган турли хил гоявий таҳдидларга қарши мақдурвий иммунитетни юксалтиришга қаратилган тадбирларни кўпайтириш ҳамда Ватанимиз, миллий қадрият ва урф-одатларимизга садоқат туйғусини шакллантириш лозимлигини таъкидлади.

Ўз мухбиримиз

ЖАРАЁН

ЖАРАЁН

Мустақиллик даврида мамлакатимизда барча соҳалар сингари давлатнинг ўз вазифаларини босқичма-босқич жамоат ташкилотларига бериш, "кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини амалга ошириш борасида кенг кўламли ишлар қилинди. Айниқса, тарихий жиҳатдан ноёб саналган маҳалла институти буткул янги мазмун касб эта бошлади.

НОМАРКАЗЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

БУНДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Маълумки, жаҳон тажрибасида маҳалла деб аталувчи ягона ва бетакрор бошқарув институти илк бор бизнинг заминимизда пайдо бўлган. Мамлакатимиз Президенти Ислоом Каримов бу борада: "...давлатнинг ролини изчил равишда камайтириб бориш ва айна пайтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалланинг фаолият кўлами ҳамда ваколатларини кенгайтириш, аҳоли турли қатлам ва гуруҳларнинг туб манфаатларини ифодаладиган ва химоя қиладиган сиёсий ва ижтимоий институтлар, нодавлат, ноҳукумат тузилмалар ролини кучайтириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади", деб таъкидлаган эдилар.

Маҳалла институти мавқеини кўтариш воситасида халқимизнинг азалий аъна ва қадриятларини тиклаш ва ривожлантириш, иккинчидан, давлат (вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари) вазибаларини аста-секин ўзини ўзи бошқариш идоралари — маҳаллаларга бериш билан жамиятни демократлаштиришда янги ва жуда катта имкониятлар яратилди.

Масалан, 1999 йилнинг 14 апрелида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 7-моддаси 2-бандида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади" деб белгиланди.

Президентимиз Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил май ойида бўлиб ўтган бешинчи сессиясида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кенгайтириш ва уни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга эътибор қаратиб: "Ўзини ўзи бошқариш органлари — бизнинг келажагимиз. Бу органларнинг асосини қуришга киришган эканмиз, улар барпо этилаётган адолатли фуқаролик жамиятининг пойдеворини ҳар томонлама мукамаллаштириб бориш ҳар биримизнинг масъулияти ва муқаддас бурчимиздир", деб таъкидлади.

Давлат бошқаруви тизимидagi ислохотлар, фуқаролик жамияти институтларига берилаётган эътибордан асосий мақсад мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдир. Президентимиз Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил февраль ойида бўлиб ўтган биринчи сессиясида: "Бошқарув вазибаларининг асосий қисми марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар, туманлардаги давлат ва бошқарув идораларига ўтишини таъминлаш даркор. Шу тариқа бу босқич аста-секин ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик ташкилотларига ҳам етиб боради" деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шу боис, Президентимиз Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг яқинда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлигини таъкидлади.

Ўртбошимиз айтганларидек: "Маҳалладек ноёб тизим ҳақида орқича гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ. Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида одамларнинг бошини қовуштиришда, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз".

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёнидан қутулган асосий мақсад халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган минг йиллик ноёб, эзу ва энг азиз аъна, қадрият ва урф-одатларни тўла-тўқ тиклаш ва ривожлантириш, маҳалла институтини буғунги замон талабларига мувофиқ тарзда жорий этиш, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари тизимидagi қатор ваколат ва ҳуқуқларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллаларга бериш воситасида жамиятимиз ҳаётини демократлаштиришни янги ва янада юқори босқичга кўтаришдан иборат.

Янгилаштириш, сиёсий тизимни ислох қилиш, демократик ва дунёвий тузумга ўтиш жараёнида ўзини ўзи бошқаришнинг аҳамияти тобора ортиб ва ривожланиб бормоқда. Маҳаллалар жойларда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг мустақил органи сифатида давлат ва жамият ҳаётига оид бўлган масалаларни бевосита ва мустақил равишда ҳал қилмоқда.

Усмон БЎТАЕВ,
ЎзМТДП МК ИК девонси
етакчи мутахассиси

МУДОФААГА ҚўМАРЛАШУВЧИ ТАШВИЛОТ "ВАТАНПАРВАР" БОЙСУН ЎҚУВ-ТЕХНИКА СПОРТ ҚўЎВЧИ ЯРАМОАСИ

ЯНГИ ~ 2011 ЙИЛ
билан самимий муборакбод этади.
Юртимизда тинчлик ва осойишталик,
барқарорлик бўлсин.

ТИББИЙ ХИЗМАТ

ҲАВАС ҚИЛСА АРСИЙДИ

Телефоннинг кетма-кет жиринглашидан навбатчи ҳамшира Иқбол Муҳаммадиева ҳушёр тортиди. Гўшакни олгач "Алло, бу тез ёрдамми?" деган ташвишли овоз эшитилди. Кейин навбатчи беморнинг манзилини дафтарга қайд қилгач, қўнғироқ қилувчини тинчлатиришда ва кутуб туришларини маълум қилди. Тиббий ёрдам кўрсатиш гуруҳи шифокорлари йўлга чиқиди.

"Тез тиббий ёрдам" бўлими туман тиббиёт бирлашмасининг юраги ҳисобланади. Шунинг учун навбатчи гуруҳ зудлик билан белгиланган манзилга етиб бори. Вақт тигиз, ҳар бир дақиқа ҳисобда. Олий тоифали анестезиолог-реаниматор Шухрат Хидиров олий тоифали ҳамшира Иқбол Муҳаммадиева билан юрак фаолиятини текширувчи замонавий аппаратлар билан ёрдамда беморга муолажани бошлади. Қўшимча дори-дармонлар қўлланди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари аста-секин самара берди. Беморнинг аҳоли яхшиланаётганини сезгач навбатчи ҳамшира энгил тортиди ва елкасидан оғир юк тушгандай бўлди.

Ҳаёт тасодифларга тўла, - дейди "Тез тиббий ёрдам" бўлими мудир, олий тоифали жарроҳ Бахтиёр Аюпов. - Эрталаб уйдан соғ чиқиб кетган кишини кечкурун оғир аҳволда шифохонага олиб келишлари мумкин. "Тез тиббий ёрдам" шифокорлари бундай фавқуллода ҳолатларга доим тайёр туришлари шарт. Қолаверса, беморларни тезроқ соғайиб кетишига ишонтириш керак.

Бахтиёр Аюпов 1980 йил СамМининг умумий жарроҳлик бўлимини туғатгач Пахтакор туман тиббиёт бирлашмасида жарроҳ, бош шифокор муовини, 1999 йилдан буён эса "Тез тиббий ёрдам" бўлими мудир вази-фасида фаолият юритиб келяпти.

Унинг ташкилотчилиги, вазифасига сикирилган ёндашуви жамоага ёқиб қолди. Тиниб-тинчимаслик, фидойилик унга хос хислат. 2006 йили ўттиз ўринли даволаш ва дам олиш хоналари жаҳон стандартларига мослаб таъмирланди. Эшик-роملар янгиланди. Булар учун 164 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳашар йўли билан ҳовли ва йўлақлар асфальтланди. Қўшимча гул ва дарахт кўчатлари ўтказилиб боғ яратилди. 2010 йили Қувайт Араб иқтисодий фонидан 93 миллион 607 минг сўмлик сунъий нафас олдириш, ультратовуш тўқинлари, дифибриллятор, катта операция йиғмаси, наркоз, рентген каби аппаратлар келтирилди. 2 та "Дамас" русумли тез ёрдам автомашинаси доим хизматга шай.

Айниқса, бўлимда фаолият олиб бораётган жарроҳлардан Насриддин Ўтаев, Туроб Жамолов, олий тоифали ҳамширалардан Дилором Қўбаева ва Гулчехра Жониқулова инфаркт, қон кетиш, суяк синиш, гинекологик каби касалликларни даволашда ўз билим ва тажрибаларини аямаяпти. Олий тоифали жарроҳ, ЎзМТДП аъзоси Бахтиёр Аюпов ўттиз йилдан буён халқ саломатлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиб келяпти. Намунали оила бошлиги сифатида "Бахт" маҳалласида ҳам ҳурмат-эътибори баланд. Бунга ҳар жиҳатдан ҳавас қилса арсийди.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти



"АГРОБАНК" ОАТБ

Ўз акциядорлари, мижозлари, барча ҳамюртларимизни кириб келаётган ЯНГИ - 2011 йил байрами билан сизидилдан табриклайди!

Янги йилда СИЗГА сизхат-саломатлик, тинчлик ва улкан муваффақиятлар тилаймиз!

Сизларга қуйидаги банк хизмат турларини таклиф этамиз!

- **VISA CARD** — дунё бўйлаб молиявий эркинлик!
- **ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ** — тез, оддий ва ишончли!
- **Юридик шахслар учун юқори фойзли депозит сертификатлар!**
- **ДЕПОЗИТ КАТАКЧАЛАР** — қимматли бойликларингизнинг кафолатли сақланиши!
- **ПЛАСТИК КАРТОЧКА** — замонавий ва ишончли тўлов воситаси!
- **ПУЛ ОМОНАТЛАРИ** — даромадингизни кўпайтиришингиз ишончли усули!

ҚИНФИР ИШНИНГ ҚИЙФИ... ОТИЛМАЙДИ ҲАМ, СОТИЛМАЙДИ ҲАМ...

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ пиротехника буюмлари муомаласини лицензиялаш жорий этилди.

Шунингдек, пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи юзасидан маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг кучайтирилиши бу борада божхона органлари зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Таъкидлаш жоизки, 2010 йилнинг ўтган 10 ойи давомида республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 29 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати салкам 144 млн. сўмлик 11 млн. 281 минг дон пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Қозон шаҳридан қайтган М.Бердимуратов эса 2 кг дан ортик пиротехника воситаларини хуфёна олиб ўтишга уринган пайтда самарқандлик божхоначилар томонидан тўхта-тиб қолди.

"Вольво" русумли автомашинани божхона кўригидан ўтказган Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари фуқаро В.Каримов томонидан 7 кг. оғирликдаги пиротехника воситаларининг яширинча олиб кирилишига нуқта қўйишди.

Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси ходимлари томонидан юртимизга кириб келаётган "Форд-Транзит" русумли автомашина божхона кўригидан ўтказилганда, унда фуқаро Э.Халиковга тегишли 2,2 кг. оғирликдаги пиротехника воситалари яширинча олиб кирилишига нуқта қўйишди. Шунингдек, қорақалпоғистонлик божхоначилар бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда пиротехника воситаларининг йирик туркумини фош этишга муваффақ бўлишди.

Тўрткўл туманидаги айланма йўллардан бирида ҳайдовчиси турган "Камаз" божхоначилар диққатини ўзига тортди. Урнатилган тартибда текширувлар ўтказилганда машина юкхонасига божхона расмийлаштирувни тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ва муқаддам айланма йўллар орқали кичик туркумларда олиб қилинган 12 тоннаю 208 кг. пиротехника воситалари ортганидан аён бўлди. Бухоролик Ш. Бобомуродовга тегишли 6 турдаги 11 млн. дондан ортик мазкур пиротехника буюмларининг умумий қиймати 143,2 млн. сўмни ташкил қилар экан. Хозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

МАВСУМ НУРОБОДЛИКЛАР ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШДИ

Нуробод туманининг Раззоқ Жаҳонгиров номи наслчилик ширкат ҳўжалиги Самарқанд шаҳридан қарийб 200 қақирим узокликда, қўшни Навоий вилояти яқинида жойлашган. Талабалиқдаги дўстим, айна пайтда дондор чорвадор Музаффар Эшмонов ҳузурига йўл олиб, йўл-йўлакай суҳбатлашиб қайтди. Йўлда бизга ҳамроҳлик қилган кекса отахон Раззоқ Жаҳонгиров ширкат ҳўжалигида кейинги икки йил ичида қўй-эчкилар сони кўпая бошлагани, ҳўжаликнинг шўҳрати қайта тикланаётганини мамнуният билан тилга олди.

Ҳўжалик чорвадорлари ўтган йили анча-мунча ижобий натижаларни қўлга киритишган экан. Гўшт, сут, жун, қорақўл тери етиштириш режаси ортиги билан бажарилган. Ўтган йилги тўл олиш мавсумида 8501 та она қўй парваришланиб, 8249 та қўзи олинди. Режага кўра, 1487 дон қорақўл тери, 28 тонна жун топширилган. Жорий йилнинг 9 ойи давомида эса ширкат ҳўжалиги томонидан 11 тонна 837 кг. гўшт тайёрланганини билиб олдик.

42 отар чорвадор бор, - дейди Нуробод туманидаги Раззоқ Жаҳонгиров номи наслчилик ширкат ҳўжалиги раиси Мамарайим Санаев. - 42 нафар бош, 80 нафар ёрдамчи чўпон 19 минг 658 та қўй-қўзини қишдан беталофат олиб чиқиш чораларини қўришмоқда. Қўшимча озука, ем ва чорва билимдонларининг ёрдами билан қишлоқни қимматсиз ўтказиб оламиз, деган умиддан. Қолаверса, қўзилатиш мавсумига тайёргарликни хозирданок бошлаб юборганмиз. Жамғарилган 2641 тонна хашак, 204 тонна сомон, 619 тонна пичан, 1818 тонна янтоқ, етарли миқдордаги ем қишлоқкировли қўнларда қўй-қўзиларга жуда ҳам асқотди.

Ҳўжалиқда ўз касбини эъзозлаб келаётган илгор чорвадорлар кўплаб топилади. Худойберди Норбўтаевнинг чўпонлик ишини ўғли Мўмин, набираси Абдурасул давом эттириб келяпти. Ҳўжакул бобо сулоласи ҳам бобомерос чорвадорлардан. У кишининг набираси Муродулло Шодиев мустақил байрами арафасида "Шўҳрат" медали билан тақдирланган. У отаридаги 223 та она қўйдан 223 та қўзи олишга эришиб келаётди. Ҳўжаликнинг бош чўпони Қўбил Яхшибоев эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор унвонига эга бўлди. У ҳам бир отардан иккинчи отар яратиб келаётган мохир чўпонлардан. Шунингдек, Санжар Ражабов ўз отаридаги 214 бош она қўйдан шунча қўзи ўстиришга қолдири.

Агрон қишлоқдаги Кенгбой бобо бошлиқ чўпонлар сулоласи, Акмал Аллаёров бошлиқ чўпонлар ҳақида ҳам шундай мисолларни келтириш мумкин. Сўзимиз бошида сўнгги йилларда ушбу ҳўжалиқда чорвачиликнинг ривожланиб бораётгани ҳақида айтган эдик.

Ҳўжалигимизда қўйлар наслини яхшилаш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда, - дейди М.Санаев. - Бу борада бизга Самарқанддаги Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари яқиндан кўмак беришмоқда. Натижада, қорақўл қўйлар насли бирмунча яхшиланиб, маҳсулот сифати ошмоқда.

Халқимизда "Деҳқон адашса бир йил, богбонга ўн йил, чорвадорга қирқ йил керак" деган пурмаъно нақл бор. Унинг маъноси шунки, деҳқон экин парваришда бирор хатога йўл қўйса, иккинчи йили уни тузатиши мумкин. Богбоннинг хатоси билан ҳосил бериб турган дарахт қури-са, ўн йилда яна шундай ниҳолни воғга етказса бўлади. Аммо, чорвадор адашса, уни тиклаш осон кечмайди.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ИФТИХОР



СПОРТ ҲАЁТИДАН ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Эътироф этиб айтиш керакки, фарзандларимизни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, улар онгидида спортга муҳаббат туйғуларини шакллантириш борасида ўтган йиллар давомида кўлами ҳамда аҳамияти жиҳатидан жуда улкан ишлар бажарилди. Истиқлол йилларида республикамизда 1 минг 200дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилиб, уларнинг 1000дан ортиги қишлоқ жойларда қурилди. Бу эса 260 минг нафардан зиёд бола спортнинг қўллаб турлари билан мунтазам шугулланиши учун имконият яратди. Мазкур йўналишда ҳаётга татбиқ этилган ислохотлар дунё миқёсида ҳам юксак даражада эътироф этилиб, эндиликда Ўзбекистон тажрибаси катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

КИЧИК ОЛИМПИАДА

Хусусан, Юртбошимиз бошчилигида қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ёшларни оммавий спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, "Кичик олимпиада" номини олган уч босқичли узулқисм спорт тизими том маънода фахримизга айланди. Унинг доирасида ўтказилган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ҳамда олий ўқув юртлири талабаларининг «Универсиада» спорт ўйинлари ўғил-қизларимизни янги марралар сари етакловчи бетакрор беллашуларга айналди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ҳамда 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари юртимизнинг барча ҳудудларида жисмоний тарбия ва спортнинг моддий базасини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш, умумий ўрта таълим мактаблари қошида, шунингдек, аҳоли яшаш жойларида замонавий спорт мажмуаларини барпо

этиш, уларни бугунги кун талабига мос спорт анжуманлари билан жиҳозлаш каби қатор вазиफलари амалга оширишда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётди. Болалар спортини ривожлантириш борасидаги хайрли иш-

зарур. Жорий йил февраль ойида пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва гимнастикачи қизларимизнинг китъа ва жаҳон чемпионатларида эришарётган юксак натижалари буюрт

КЎЗГУ

кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Албатта, бу борадаги хайрли ишларимиз замирида бир эзгу мақсад – соғлом авлодни тарбиялаш мақсади мужассам. Зеро, соғлом она – соғлом бола, соғлом бола – соғлом келахак, демакдир.

Шу маънода, кейинги йилларда спортнинг нафис тури ҳисобланган бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётганлигини эътироф этиб ўтиш

тика билан шугулланадиган қизлар сони шу йилнинг ўзида 6-7 баробар, айрим вилоятларда эса 10-12 баробар ортганлиги қувонарли ҳолдир.

Биргина мисол: бундан икки йил олдин Юртбошимиз Қашқадарёга ташрифи чоғида Косон туманидаги Гувалак қишлоғи гимнастикачи қизлари билан учрашган, уларга спортда омад тилаб, бу қишлоқда ҳам замонавий бадий гимнастика зали қуриш ҳақида кўрсатма берганди. Жорий йил ёз ойида Гувалакда фойдаланишга топширилган янги бадий гимнастика залида бугунги кунда 250 нафар қишлоқ қизлари нафис спорт тури сир-асрорларини пухта ўрганмоқда. Бу ерда айни чоғда воҳа миқёсида спорт турнирлари ўтказиш анъана тусини ҳам олиб улгурган.

беллашуларида Герасим Кочнев ва Серик Мирбеков, байдаркада тўрт кишилик эшак эшиш баҳсларида Алексей Мочалов, Сергей Борзов, Алексей Бобононов ҳамда Вячеслав Горн мамлакатимизга олтин медалларни тўхфа этишди.

Қолаверса, спорт гимнастикаси, трамполин, сув полоси, сув слалом, оғир атлетика, теннис, таэквондо (ВТФ), ўқ отиш, академик эшак эшиш, ионун-рум кураши бўйича қатнашган вакилларимиз ҳам совриндорлар сифидан жой олишди.

Яна қувонч билан шуни таъкидлаш керакки, жорий йил давомида дзюдочимиз Ришод Собиров ва каноэда эшак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони бўлган юртдошимиз Вадим Меньковнинг эришган ажойиб ғалабалари уларнинг ўз йўналишлари бўйича дунёнинг энг яхши спортчилари, деб тан олинисига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Ислам Каримов халқаро майдонларда Ватанимиз шон-шухратини бутун дунёга тараннум этаётган истеъдодли спортчиларимизнинг номларини алоҳида тилга олиб, ўз ҳаётини спортга бағишлаб, жаҳон ва китъа мусобақаларида юртимиз байроғини баланд кўтариб келётган барча ёшларимизга янги-янги зафарлар тилгани биз, спортчиларни гоёқ қувонтириб, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, - дейди каноэда эшак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони, XVI Осиё ўйинлари қолиби, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби Вадим Меньков. - Бундай юксак шараф ва ғамхўрлик 2012 йили Лондон шаҳрида бўлиб ўтadиган Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этишимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди. Юртбошимизнинг бундай эътиборига биз ёшлар спортда янги, юксак чўққиларни забт этиш орқали жавоб бермоқчимиз.

Дарҳақиқат, якунига етаётган 2010 йил – Баркамол авлод йили барча соҳалар қатори мамлакатимиз спорт учун ҳам яна бир поғона юксалиш, янги марраларни забт этиш йили бўлди. Иқтидорли йигит-қизларимизнинг халқаро миқёсда ўтказилган ўнлаб мусобақаларда қўлга киритган бири-бирдан ажойиб ютуқлари, ғалабалари шарафига янраган мадҳиямиз, баланд кўтарилган байроғимиз Ўзбекистон номининг дунё узра янада кенгроқ ёйилишига, Ватанимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини намойён этишга хизмат қилди. Ўша ҳаяжонли дамлар ҳар биримизнинг қалбимизга олам-олам завқ, гурур ва ифтихор туйғуларини олиб келди. Зеро, ушбу муваффақиятлар юртимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати даражасидаги эътиборнинг амалдаги самараларидир.

Аслиддин БОЛИЕВ,
"Спорт" газетаси бош муҳаррири



лар доирасида қиз болаларни, энг аввало, қишлоқ қизларини спорт билан шугулланишга жалб этишда "Баркамол авлод йили" да ҳам сезиларли натижаларга эришилди. Мамлакатимизда "Спорт ҳаётидан ҳеч ким четда қолмаслиги керак" шioriдан келиб чиққан ҳолда кам таъминланган оилаларнинг 120 минг нафар қизлари учун 3,5 миллиард сўмлик спорт кийими ва жиҳозлари харид қилинди. Юртимизда спорт жиҳозлари ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналари давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида бундан беш йил олдин болалар спорт иншоотлари учун зарур 120 хил анжумнинг 73 тури тайёрланган бўлса, бугунга келиб 115 хилдаги спорт жиҳозлари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда.

СОҒЛОМ БОЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Юртбошимиз маърузасида алоҳида таъкидланганидек, ўтган йиллар мобайнида "Соғлом она соғлом бола" ғоясини ўзида муҷассам этган дастур асосида кенг

турига эътибор ва қизиқиш юртимизда муттасил ошаётганидан далолатдир. Бу борада ёрқин мисол сифатида яқинда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган XVI Осиё ўйинларида бадий гимнастика мусобақаларида вакилларимиз эришган ютуқни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Қизларимиз ўз истеъдод ва маҳоратини намойён этиб, Осиё китъаси бадий гимнастикачилари орасида фахрли иккинчи ўринни эгаллаганилиги мамлакатимиз спортчи ҳаётида мисли қўрилмаган қувончли воқеа бўлди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бадий гимнастикада жисмоний тарбия, спорт, музика ва санъат каби фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият касб этадиган воситалар мужассам. Бугунги кунда юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 800дан ортиқ спорт залида 15 мингдан зиёд қиз малакали мураббийлар раҳбарлигида бадий гимнастика билан мунтазам шугулланмоқда. Республикамизда спортнинг ушбу нафис турини ривожлантириш дастури қабул қилинган, бадий гимнастик

дални қўлга киритишди. Халқаро Олимпия кўмитаси ва Осиё Олимпия кенгаши шафелигида шу йилнинг 12-27 ноябрь кунлари Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган XVI Осиё ўйинларида эса Ўзбекистон спортчилари нафақат китъамиз, балки дунё миқёсида ҳам тан олинган давлатларнинг вакиллари билан кескин беллашуларда 11 та олтин, 22 та кумуш ва 23 та бронза медал билан умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллаб, Осиёнинг энг кучли ўнлигидан жой олишга муваффақ бўлишди. Бу спортчиларимизнинг ҳозиргача иштирок этган Осиё ўйинларида қўлга киритган медаллари сони бўйича энг яхши кўрсаткичдир.

Гуанчжоуда эркин курашчиларимиз Артур Таймазов ва Дилшод Мансуров, боксчи Элшод Расулов, дзюдодан Ришод Собиров, велоспортчи Владимир Тўйчиев, шахматчи Рустам Қосимжонов, енгил атлетикачиларимиз Юлия Тарасова ва Светлана Радзивил, каноэда эшак эшишда Вадим Меньков, шунингдек, ушбу спортнинг жуфтлик

БИЛАСИЗМИ?

Энг қадимий дарахт намуналари Нью-Йорк штати (АҚШ) музейида сақланади. Тошга айланган илк баргли дарахтнинг ёши тахминан 385 миллион йилга тенг.

Дунё миқёсида 32 та давлат атом электр энергиясидан фойдаланади. Ҳозирда давлатда бўлган 442 та атом электростанцияси ҳар йили 370 минг мегаватт электр ишлаб чиқаради.

ТУРФА ОЛАМ

АНТИҚА АРЧА

ТАЙЧЖУН (ТАЙВАНЬ) ШАҲРИ МАРКАЗИДА 80 МИНГА ПЛАСТИК ҚОШИҚЛАРДАН ЯСАЛГАН АНТИҚА АРЧА ЎРНАТИЛДИ



Мазкур арча олти нафар талаба томонидан ясалган. Узининг антиқа арчаси билан "Экологик тоза дарахт лойиҳаси" танловида қатнашган талабалар голибликни қўлга киритишган, шаҳар мэридан тақлиф тушади. Мэр шаҳарликлар ва чет эллик сайёҳларнинг кўзини қувнатиш мақсадида арчани шаҳарнинг қоқ марказига ўрнатиши буюради. Мэрнинг фикрича, одамлар ҳар сафар ана шу арчани кўрганларида атроф-муҳит ва табиатни асраш зарурлигини англаб етишлари мумкин.

СЎРОВ-ТАДҚИҚОТ

2012 ЙИЛГА БОРИБ ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎРСАТКИЧИ КЕСКИН ПАСАЙИШИ КУТИЛМОҚДА

Минглаб мутахассис, журналист ва интернет фаоллари ўртасида ўтказилган сўров-тадқиқот натижаси ана шундай хулосани берган. Уларнинг башоратига кўра, шахсий компьютернинг кўнгилочар вазибалари, хусусан, интернетга улашиш кейинги ўн йилликлар ичида асосан уяли телефонлар орқали амалга оширилади. Google компанияси бош иқтисодчиси Нал Вариннинг айтишича, мобил телефонларидаги асосий муаммо улардаги хотира ҳажмининг кичиклигидир. Бироқ, бу муаммо ҳам тез орада бартараф этилар экан.

КУЛГУ УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

АМЕРИКАЛИК ОЛИМЛАРНИНГ АНИҚЛАШИЧА, КУЛГУ ИНСОН УМРНИ УЗАЙТИРИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ЭКАН

Хусусан, кулгу юқори қон босимини пасайтирибгина қолмай, организмни турли хил руҳий зўриқишлардан ҳимоя қилиши кузатилган. Мутахассисларнинг гапига қараганда самимий кулгу энг аввало, иммун тизимини мустаҳкамлайди. Шу боис, кулгунини бемалол жисмоний машқлар сирасига киритиш мумкин. Чунки, кулиш натижасида қон томирлар кенгайиб, қон айланиши яхшиланади ва шунга яраша инсон кайфиятида ҳам кўтаринкилик юзага келади.

Зафар МУҲАММАД тайёрлади



«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2011 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар ва юртимизда кечаётган иқтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг! Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун куйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

- ҚР Нукус (3612) 22-88-68
- Андижон (3742) 22-29-89
- Бухоро (3652) 25-47-49
- Жиззах (3722) 22-40-01
- Қашқадарё (3752) 25-40-27
- Навоий (4362) 23-26-86
- Наманган (3692) 26-29-80
- Самарқанд (3662) 34-22-53
- Сирдарё (3672) 25-47-70
- Сурхондарё (3762) 27-49-03
- Тошкент вил. (3712) 233-13-04
- Фарғона (3732) 24-29-22
- Хоразм (3622) 26-63-75
- Компания бўлими 234-85-99

Обунага кўмакчи – «Матбуот тарқатувчи»